

# МАКТУБЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

• АКС САДО •

## МАҲАЛЛА ОБРЎСИ — ҲАММАМИЗНИНГ ОБРЎЙИМИЗ

"Халқ сўзи" газетасининг 1998 йил 2 июль сонида чоп этилган "Иш ўрнига фисқу фасод" сарлавҳали мақолани маҳалла фуқаролар йиғинида ўқиб, муҳокама қилдик. Ғаразгўйлик, кўролмаслик, иғвогарлик билан одамларни, турли идораларни ишдан қолдираётган кимсалар ҳақида мақола бериб, жуда маъқул иш қилибсизлар.

Ёза-ёз касаллигига дучор бўлганлар ҳамма жойда ҳам учраб туради. Биз уларнинг номини айтмасак ҳам халқ билади, улардан нарироқ юришга ҳаракат қилади. Чунки уларнинг бир четда туриб, тирноқ остидан кир излашларини, игнадай гапни туядай қилиб, сувни лойқалатиб юришларини ким ҳам ёқтиради, дейсиз.

Қадим-қадимдан маҳалла чойхонаси халқ тўпланиб, дам оладиган гавжум ва обод жой бўлган. Бу ер фисқу фасод қайнаган ғийбатчилар, туҳматчилар ўчоғи эмас, илм-маърифат масканидир.

Ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидай, "Маҳалла ҳозир ишончни қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди". Маҳалламиз кенгаши аъзолари ва маслаҳатчилари халқ орасида ҳурмат қозонган, катта турмуш тажрибасига эга инсонлардир. Улар маҳалламиз обрў-эътиборини кўтариш, тинчлигини сақлашга ҳаракат қилаяптилар.

Газетада босилган мақоладан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олади, албатта. Маҳалла катта куч, унинг жамиятдаги ўрни кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда бундай мақолалар тез-тез бериб борилса, айни муддао бўларди.

**Азиз ҚОРАБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар,**
**С. Раҳимов туманидаги**
**А. Набиев номли маҳалла оқсоқоли.**

*Газетхон мулоҳазаси*

## ИНСОФ БЎЛСА ЭДИ

Тунов куни десангиз, кўпдан бери учрашмаган эски қадрдонимга дуч келиб қолдим. Соғинган эканмиз шекилли, биримиз олиб, биримиз қўйрдик. Гапимиз хийла чўзилди. Кун иссиқ эди. Томоғимиз қақрагандек бўлди. Қани энди бир стакандан газли сув бўлса. У ёққа қарадик, бу ёққа қарадик. Кўча юзасида чанқовбосди ичимлик сотадиган лотоклар кўринмади. Ўтган-кетганлардан сўраган эдик, ана у ерда, Чехов кўчасидаги тикувчилар саройининг шундоққина биқинида ресторан бор дейишди.

Икковлашиб кириб бордик. Биронта ҳам хўранда йўқ. Залнинг бир четида икки дастёр аёл ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Буфетчи норғил йигит экан.

—Ўғлим, ташна бўлдик, газли сувинг бўлса, бир стакандан қуйгин, — мурожаат этдик биз.

— 80 сўм, — деди у бамайлихотир.

Аввалига тушунмадик, у бизни англамай бошқача жавоб беряпти, деган хаёлга бордик.

— Ичкилик ичмаймиз, бизга сув керак.

— Ҳа, мен ҳам сувнинг баҳосини айтаяпман.

— Икки стаканига 80 сўмми?

— Йўқ, бир стаканига 80 сўм.

Тилимиз айланмай қолди. «... бўл, ўғри бўл—инсоф билан бўл», деган халқимизнинг мақоли эсга келди.

— Ташқарида газли сувнинг стакани 5 сўм, бор ана сен 10 сўмдан сотгин, 80 сўминг нимаси?

— Бу ер ресторан, қўшимча харажатлар кўп.

— Ахир, 16 баравар қимматига сотишдан — оқибатда охиратдан қўрқмайсанми, икки дунёинг куйиб кетади-ку, шу аҳволда иш тутсанг.

— Мен хизматдаги одамман, бу гапларни хўжайинимга айтинг, — деди у гап тамом дегандек.

Бу қанақаси бўлди, бозор иқтисодига ўтдик, деб айрим кимсалар кўнгилларига нима келса шуни қилаверадими, унда инсоф, диёнат деган тушунчалар қаёкда қолади?.. Сувнинг баҳосини вино даражасига кўтаришдан тортинмаган ўша йигит тагли савол - жавоблардан заррача бўлса ҳам хижолат чекмаганлиги ҳаммадан ҳам ўтиб тушди. Қани уят, қани андиша, буларни ҳам фойда оламан деган ниятда ютиб юбордими? Бунақанги инсофсизлик қайдан келди бизга, кимдан юқяпти?

Газетхонлар не деркинлар бу фикрга?

**С. ИСЛОМОВ,**
**пенсионер.**
**Тошкент шаҳри.**

*Менда таклиф бор*

## ИСТАР ЭДИМ...

*Ҳурматли таҳририят!*

*Газетанинг 1998 йил 19 сентябрь сонида «Юртимизнинг бир куни» рукни остида чоп этилган «162 километрга қисқаради» сарлавҳали мақолани ўқиб, роса хурсанд бўлдик.*

*Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши республикамизнинг тўла иқтисодий мустақилликка эришувида муҳим аҳамиятга молик эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур мавзу батафсил ёритилса нур, устига аъло нур бўлар эди. Айниқса, қачон тўла ишга туширилиши ҳусусида аниқ маълумотга эга бўлиш халқни қизиқтирган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.*

**Салом ила,**
**Денов аҳли номидан**
**К. НОРҚОБИЛОВ.**

**Таҳририятдан: ижодий жамоанинг келгусидаги режаларида мазкур мавзу ҳам белгиланган. Албатта, бу ҳақда газетхонларни хабардор этамиз.**

## "ХАЛҚ СЎЗИ" ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

***"Менинг севимли газетам — "Халқ сўзи"! Сенинг ёрдамингга муҳтож бўлиб қолдим, мадад қўлингни чўзасан, деган умиддаман,—деб ёзади Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Боғибола маҳалласида истиқомат қилувчи ўн нафар фарзанднинг онаси Майрамхон Абдурашидова.— Турмуш ўртоғим ҳозир ишламайди. Икки нафар келиним бор. Ҳаммамиз бир ҳовлидамиз. Уйимиз уч хонали, шулардан икки хонасида келинларим, бир хонада қолган болаларимиз билан биз яшаб келмоқдамиз. Шароитимиз қандай эканлиги равшан бўлса керак.***

## МАЙРАМХОН ОПА УЙЛИ БЎЛДИ

1985 йилда ҳовлимизнинг учдан бир қисмини туман ҳокимининг қарори билан биздан олиб қўйишган эди. Ўша ерга қурилиш қилишди. Эндиликда халқ банки тармоғига берилган бино қаровсиз ётибди. Еримиз ўрнига бошқа жойдан ер беришмади. Болаларим улғайиб, ҳаддан ташқари сиқилишиб қолдик. Сизлар айтинг ҳолимизни бошлиқларга, зора шуни инобатга олиб, раҳбарларимиз бизларга ҳам яхши назар билан қарашса."

Кўриниб турибдики, муаммо анча жумбоқли. Қани, азизлар, ушбу масалани жойнинг ўзида кўриб, бир маслаҳатлашинглар, зора унинг чораси топилиб қолса, деган ниятда Майрамхон опанинг мактубини туман ҳокимлигига жўнатдик. Яқинда у ердан жавоб мактуби олинди.

"Аризани тўлиқ ўрганиш мақсадида комиссия тузилиб, мутахассислар томонидан жойида бориб ўрганилди,— деб ёзади туман ҳокими Т. Ҳамроев. — Ҳақиқатдан ҳам фуқаро М. Абдурашидованинг оғзаки розилиги билан унга тегишли бўлган 0,04 гектар ер майдонида собиқ Ҳамза номли давлат хўжалиги томонидан чойхона қурилган. Ҳозирда бу тўрт хонали бино халқ банки балансида бўлиб, шохобча сифатида бир хонадан фойдаланиб келинмоқда.

Мутахассисларнинг берган таклифига ҳамда Халқ банки маъмуриятининг розилигига кўра, М. Абдурашидованинг оилавий шароитини инобатга олиб, ушбу бино туман ҳокимининг фармойишига асосан Халқ банки балансида чиқарилиб, турар-жой учун фуқаро М. Абдурашидовага хусусий мулк қилиб берилди."

**Таҳририятдан: жуда савоб иш бўлибди, азизлар.**
**Уйлар муборак, Майрамхон опа. Бола-чақангиз билан яйраб-яшнаб, умргузаронлик қилаверинглар.**

## ТАШАККУР

***Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари.***

***Мен Оққўрғон туманидаги С. Сегизбоев номли халқ корпорациясининг 5 - бўлимида яшайман. Агар ёдингизда бўлса, икки ой муқаддам сизларга мурожаат этиб, баъзи бир саволларга жавоб олишда ёрдам беришларингизни илтимос қилгандим. Сизлар аралашганларингиздан кейин мутасадди ташкилотлар мени қийнаб келган саволларга атрофлича жавоб бердилар. Мен улардан тўлиқ қаноат ҳосил қилдим.***

***Беминнат ёрдамларингиз учун минг бор ташаккур!***

**Тошпўлат ТЎРАЕВ,**
**Тошкент вилояти.**

## МАНЗУРА ҲАМИДОВА



Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидованинг вафоти ҳақидаги хабар миллий театр санъатимизнинг барча ихлосмандлари қатори бизни ҳам чуқур қайғуга солди. 84 йиллик умрининг аксарини эл-юрт хизматига бағишлаган Манзура Ҳамидова ўзбек маданиятининг йирик намояндаси эди.

1930 йили Тошкент шаҳар босмахонаси қошидаги ҳунар-билим юртида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ у билим юртида ташкил этилган ёш ҳаваскорлар тўгарагида фаол қатнаша бошлайди. Тўгарак раҳбарлари ундаги ноёб истеъдодни илғаб, катта санъат сари йўллайдилар. Худди шу даврдан бошлаб, М. Ҳамидованинг бутун онгли ҳаёти театр санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

1933 йилдан бошлаб аввал босмахона қошидаги халқ театрида, сўнгра Сурхондарё вилоят театри ва Муқимий номидаги мусиқий театрда ижод қилган Манзура Ҳамидова 1943 йилдан буён умрининг охиригача Республика ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатиб келди.

Ўзининг олтмиш йилдан зиёд ижодий фаолияти давомида у театр саҳнасида, кино ва телефильмларда ўнлаб турли-туман образлар силсиласини яратиб, халқимиз меҳрини қозонган. "Номус ва Муҳаббат", "Фарҳод ва Ширин", "Майсаранинг иши", "Меҳр кўп кўргаздим", "Меҳрибонлар" сингари кўплаб спектаклларда санъаткор ижро этган бош қаҳрамонлар образлари ўзининг жозибаси, бадиий теранлиги ва юксак профессионал ижроси билан ўзбек миллий актёрлик санъатининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Санъаткор ўзбек театр саҳнасининг ва ёш томошабинларнинг мўътабар Онахони эди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотида унинг хизматлари катта.

Манзура Ҳамидова Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали намойиш этилиб келаётган "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" кўрсатувининг доимий ижодкорларидан бири сифатида томошабинларнинг чинакам ҳурматини қозонди. Айниқса, унинг ижросидаги мунис ва мушфиқ оналар қиёфаси халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган.

Манзура Ҳамидованинг ибратли, серқирра фаолияти муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонига, биринчилардан бўлиб "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлди.

Ўзбек халқининг суюкли фарзанди, устоз санъаткор ва меҳрибон она Манзура Ҳамидованинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади. Марҳуманинг оила аъзолари, яқинларига сабр-тоқат тилаймиз. Онахоннинг охиратлари обод бўлсин!

**И. Каримов, Э. Халилов, Ў. Султонов, Ҳ. Караматов, Д. Ғуломова, Т.Алимов, Н.Жўраев, Х. Жўраев, Т.Юнусов, М.Абдуқундузов, М.Йўлдошева, О.Салимов, З.Муҳаммаджонов, Р. Иброҳимова.**






## ҲАР ЙИЛИ 800 ТОННА

Раҳматли момомизнинг бир ўгити ҳеч ёдимдан чиқмайди. У киши: «Болам, одам боласи ҳеч бўлмаса бир ойда бир марта балиқ еб туриши керак. Уни бобокалонларимиз «луқмаи ҳалол» деб аташган. Балиқ одамнинг ошқозонини тозалайди, уқиб ол», дердилар. Балиқчиликка ихтисослашган Андижон ҳиссадорлик жамияти фаолияти акс этган ушбу суратларни кўриб, момомнинг ана шу гапларини эсладим. Андижонлик балиқчилар истеъмолчиларга ҳар йили 800 тоннадан ортиқ балиқ маҳсулотлари етказиб беради. Улар етиштираётган балиқларнинг харидоргирлигининг ўзига хос боиси бор: андижонлик балиқчилар амур, дўнгпешона, сазан, қора дўнгпешона каби бир қанча зотли балиқларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.






СУРАТЛАРДА: балиқ овлаш пайти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ АКЦИОНЕРЛАР БОШҚАРИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банкнинг акционерлик жамияти сифатида шаклланишига "Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар катта таъсир ўтказди. Ушбу қонунларга мувофиқ ва Марказий банк тавсияларига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» акционерларининг 1997 йил 25 апрелдаги умумий йиғилишида банк низоми қайта кўриб чиқилди ва янги таҳрирда тасдиқланди. Бу юридик шахс сифатида банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унинг давлат ва акционерлар билан муносабатларини, фаолиятининг асосий йўналишларини янада равшанлантиришга, банк ва бошқа турдаги операцияларни бажариш доирасини тавсифлашга имкон яратди. Акция турлари бўйича дивидендларни аниқлашга ёндашиш ҳам бошқа йўсинда бўлмоқда. Эндиликда улар қатъий тартибда икки категорияга бўлинади: банкни бошқариш ҳуқуқини берувчи оддий ҳамда овоз бериш ҳуқуқи чегараланганда дивиденд олиш ҳуқуқи мавжуд имтиёзли категориялар. Акционерлар ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиб, банк кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайладилар, бошқарув органлари ваколатларини чегараладилар. Ва уларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб туради, банк томонидан ишлаб топилган маблағдан фойдаланиш йўналишлари белгиланади.

Низомга мувофиқ, банк кенгаши ва тафтиш комиссиясининг иккинчи таркиби сайланди. Унинг таркибида улкан корхоналар, бирлашмалар, концернлар манфаатларини ҳимоя қилувчи акционерлар, иқтисодиёт масалаларини чуқур англайдиган мутахассислар бор. Банк кенгаши тузилаётган пайтда "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун талаблари, яъни унинг аъзолари этиб, акционерлардан ташқари олимлар ва банк соҳасидаги мутахассислар ҳам сайланиши мумкин, деган қоидалари инобатга олинди.

Банк кенгаши ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиб, банк бошқарувини ҳам шакллантирди. Унинг таркибига тажрибали банкирлар билан бир қаторда жамоада обрў-эътиборли ва юксак малакали ёш ходимлар ҳам киритилди. Банк ишига республиканинг барча минтақаларидан кадрлар жалб этилмоқда. Айни пайтда кадрлар таркибининг 43 фоизини ташкил этувчи ёшларни жалб этишга, уларнинг касб малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Кенгаш акционерларнинг умумий йиғилишини тайёрлайди, банкнинг ташкилий тизимини аниқлайди, филиаллар ташкил этади, ўз ваколатига кирувчи барча масалаларни кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилади. Кенгаш нафақат банк ривожи йўналишларини ишлаб чиқади, балки унинг фаолиятини, жумладан, кредит ва инвестиция масалаларини назорат қилади, банкнинг адекват капитализацияси ҳақида қайғуради.

Шундай қилиб, кенгаш иккинчи чорак якунлари бўйича кадрлар масаласини кўриб чиқди, бошқарув аъзоларининг 1998 йил олти ойлиги даврида банк иши якунлари, банк устав жамғармасини шакллантириш бўйича акционерларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди, банк бошқаруви ҳақидаги Низомни тасдиқлади. Хорижий банклар билан келгусида ҳамкорликни тараққий эттириш мақсадида банк кенгаши бошқарувга «Ўзсаноатқурилишбанк» акцияларини чет эл инвесторларига ҳам тарқатиш масалаларини ишлаб чиқишга рухсат берди. Биз ўйлаймизки, улар билан ҳамкорликдаги иш банкимизга истиқбол эшикларини очиб беради, унинг халқаро молиявий бозорда эркин ҳаракат қилиши ва чет эл инвестициясини мамлакатимизга олиб келиш учун имконият яратади.

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда кенгаш банкнинг республика иқтисодиётини ривожлантириш вазифаларини ҳал этишдаги иштироки, мижозларга комплекс хизмат кўрсатишни яхшилаш, акционерлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқмоқда. Бу эса ўз натижаларини бермоқда.

Мамлакатимизнинг саноат тараққий топган минтақаларидаги барча мижозларга хизмат кўрсатаётган банк янги йилдан бошлаб ўз активини 50 фоиздан кўпроққа оширди. Хусусий сармоя 5,6 миллиард сўмга кўпайди. Устав жамғармаси 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Акцияларнинг 600 миллион сўмлик қўшимча эмиссиясини чиқариш ва бу билан устав сармоясини 2,1 миллиард сўмга етказиш борасидаги ишлар бошлаб юборилган.

Юқори техник даражада жиҳозланганлиги, алоқанинг энг замонавий каналлари бўйича ҳам қисқа муддатда ҳисоб-китоб юритиш қобилияти мавжудлиги, мижозларнинг талабларига малакали ва масъулиятли муносабатда бўлиши уларнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»ка бўлган ишончини оширмоқда. Йил бошидан буён хизмат кўрсатувчи юридик шахслар миқдори 600 тага ошди ва 23 мингга яқинлашди. Аҳоли жамғармаси суммаси бу даврда 24 фоизга ўсди, айнан ушбу кўрсаткич бўйича банк республикада иккинчи ўринда туради. Бу эса банкка бўлган ишончнинг ошишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 сентябрдаги "Жисмоний шахсларнинг хорижий валютасидаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони банк омонатларини аҳоли учун янада қулайроқ қилишга имкон яратди.

Банк ўз олдига аниқ вазифалар қўйди: ўз мижозлари учун қулай имконият яратиш, уларга юксак маданий хизмат кўрсатишни таъминлаш, вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган корхоналарни қўллаб-қувватлаш. Унинг бажарилишига мисоллар — "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида минибанк очилиши, "Тошшаҳарйўловчитранс"да "Банк-мижоз" компьютерлаштирилган тизимини қўлланилиши. Бу янгиликлар корхона ходимларига банк филиалларига бормасдан туриб, банк операцияларини амалга ошириш, зарур ахборотларни олиш имкониятини беради. Бундай тизимларни биз бошқа катта-катта корхоналарда ҳам амалга оширамиз. Ҳужжатларни, қимматли қоғозларни, пул маблағларини, қимматбаҳо буюмларни сақлаш депозиторлар учун банкда таклиф этилаётган қулай хизматлардан биридир. Уларни сақлаш қаттиқ кафолатланган.

Яратилган имконият ва ёшлар ҳисобига доимо тўлиб бораётган малакали кадрлар банкнинг ўз вазифаларини муваффақиятли адо этиши учун имконият туғдирмоқда. Актив операциялари тизимида асосий ўринни бугунги кунда ҳажми 33,7 миллиард сўмгача ўсган кредит маблағлари эгаллайди. Худди ўтган йиллардаги каби кредит фаолиятимиз, биринчи навбатда, улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, рақобатбардош ва хорижникидан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган етакчи соҳа ва корхоналар ривожига йўналтирилган. Банкнинг кредит иштироки туфайли нефть ва газ саноати, энергетика, машинасозлик тараққий топмоқда.

Банкнинг маблағ сармоялари ўз самарасини бераяпти. Масалан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мамлакатнинг нефть мустақиллигини таъминлади. Биохимия заводларидаги янги ишлаб чиқариш қуввати қимматбаҳо хомашёларни четдан келтиришга имкон қолдирмади. Шерикларимизнинг ишлаб чиқариш қудрати ривожланиб ва молиявий аҳволи мустаҳкамланиб бораётганлиги кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизлар тўлаш учун шароит яратди. Шу боис акционерлар банк кенгашининг фаол инвестиция сиёсати юритишини қўллаб-қувватламоқдалар. Бугун кредит портфелимизда 82 фоизни ташкил этувчи узоқ ва ўрта муддатли ссудалар бор. Биргина Шўртан газокимё мажмуи ва Таллимаржон ГРЭСи қурилиши учун 7,9 миллиард сўм ҳажмида кредит ажратилган. Бу қурилишларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун нақадар аҳамиятли эканлиги ҳақида кўпчилик матбуот орқали хабардор. Қўнғирот сода заводи, енгил ва маҳаллий саноат корхоналари ҳам кредитларимиз ҳисобига қурилмоқда.

Банк улкан қурилишларни молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда. Кредитлар кўплаб соҳаларнинг қаддини тиклаб олиши учун йўналтирилаётир. Жумладан, машинасозлик, химия корхоналари, транспорт тараққиёти, товар-оборотга кўмаклашиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун савдо ташкилотларига ҳам кредитлар берилмоқда. Фақатгина "Баққоллик" акционерлик жамиятига озиқ-овқат моллари сотиб олиш учун 500 миллион сўм ажратилди.

Хорижий банк ва молиявий институтлар билан ишчан ҳамкорлик ўрнатаяпмиз. Бу корхона ва ташкилотларнинг ташқи алоқалари сервис хизматини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилмоқда. Банк чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмоқда. Шўртан газокимё мажмуи ва Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишини молиялаш учун чет эл банклари билан кредит линияларига хизмат кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Берлинер ва Дрезднер банклар билан алоҳида инвестиция лойиҳалари бўйича кредитлар таклиф қилиш шарти билан рамкали битимлар имзоланди. Европа ривожланиш ва тараққиёт банки билан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очишга келишилди.

Банк кенгаши ва бошқаруви томонидан амалга оширилаётган барча тадбирлар, алалоқибат, акционерларнинг туб манфаатини қондиришга — уларнинг банкдаги маблағларидан тушадиган даромадни кўпайтиришга қаратилгандир. Ўтган йили банк олган даромадлар натижалари бўйича умумий йиғилиш акционерларининг ҳар бир минг сўмлик акциясига 600 сўмдан дивиденд белгилашни лозим топди. Акционерлар айни бир вақтда банк ва банк инфратузилмаси тараққиёти учун ҳам қайғурмоқдалар. Айнан уларнинг ташаббуси билан ўтган йилларда тўпланган даромаднинг бир қисми устав жамғармасини тўлдириш учун фойдаланилди. Шу туфайли акцияларнинг номинал нархи 1,5 баравар кўпайди. Банкнинг янги бош офисини лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, хизмат кўрсатишни яхшилаш учун шароитлар яратиш ва мижозларимизнинг талабларини тўла қондириш имкониятлари яратилмоқда.

Президентимизнинг 23 июлда Ҳукумат мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган талаблар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, акционерларимизнинг ўз банкларини бошқариш шакл ва даражаларини таққослаганда, акционерлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигига ишонч ҳосил қиласан киши. Дарҳақиқат, акционерлик жамиятининг қатъий белгиланган фаолияти бошқарувнинг қотиб қолган, маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган эски услубларидан бутунлай фарқ қилади. Эски услуб, айниқса, тижорат банклари учун мутлақо ноқулайдир. Ҳозир норматив актларни аниқлаш, акционерлик жамиятининг бошқарув ва ижро органлари фаолиятини қатъий тартибга келтиришга эҳтиёж бор. Юқоридаги қарорларга таянган ҳолда биз акционерларнинг яқинда бўладиган умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун муҳим ва зарур масалаларни белгилаяпмиз.

